

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani



Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Самарқанд тумани
ҲОКИМИ

НОКИМИ

QAROR - ҚАРОР

2010 yil 22 ноябр

№ 1415-К.
Samarqand tumani

“Фуқаро Бахриддинова Умедага ўзига тегишли дала ховли ерлари ҳисобидан 0.45 га ер майдонида автомобилларга ёқилги қуйиш шахобчаси қуришга рухсат бериш ҳақида”

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2010 йил 7 октябрдаги 136-сонли хулосаси, Самарқанд вилоят Давлат экологик экспертизасининг 2010 йил 29 сентябрдаги 980-сонли хулосаси, ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси, Халқ депутатлари Самарқанд район Совети ижроия комитетининг 1983 йил 27 январдаги 19й/2-сонли қарори, “Зарафшон” номли боғдорчилик жамоасининг баённомалари, жамият раисининг розилик хати ҳамда фуқаро Бахриддинова Умеданинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 26- моддасига асосан

Қарор қиламан:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2010 йил 7 октябрдаги 136-сонли хулосаси ва ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Халқ депутатлари Самарқанд район Совети ижроия комитетининг 1983 йил 27 январдаги 19й/2-сонли қарори қисман бекор қилинсин.
3. Фуқаро Бахриддинова Умедага Самарқанд туман 4р-45 автомагистрал йўлининг 4 км.да жойлашган ўзига тегишли дала ховли ерлари ҳисобидан жами 0.45 га (шундан: 0.45 га қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдонида автомобилларга ёқилги қуйиш шахобчаси қуришга рухсат берилсин.
4. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ кодекси”га асосан ер солиғини ундириш ва 2011 йил 1 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи в.б. (О.Исмоилов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ш.Бурхонов)га топширилсин.
5. Автомобилларга ёқилги қуйиш шахобчаси қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 8, 39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб, Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси фуқаро У.Бахриддиновага топширилсин, ҳамда АЁҚШ лойиҳасини тузишда ШНК.2.09.20-08, 3-чи илова 1-чи жадвалига асосан “Б” – туридаги умумий сифими 20 м.куб.дан ортиқ бўлмаган ер ости ёқилги резервуарни жойлаштириш кўзда тутилсин.
6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев



НОКИМИ

ХОКИМИ

Қ А Р О Р

2010 yil "22" noyabr

№ 1417-К

“Фуқаро Абдуҳалимов Зафарга “Кўлбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини “Равонак” маҳалласи ҳудудидан мебел дўкони қуришга ер майдони ажратиш тўғрисида”

“Кўлбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқаро Абдуҳалимов Зафар туман ҳоқими номига ариза билан мурожаат қилиб, тумандаги “Кўлбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини “Равонак” маҳалласи ҳудудидан мебел дўкони қуришга ер майдони ажратишни сўраган.

Юқоридагиларни, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2010 йил 25 августдаги 884 сонли Давлат экологик экспертиза хулосаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномасини ҳамда туман ҳоқимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2010 йил 27 августдаги 117 сонли баённомасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаёолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 20 моддаси ва “Ер кодекси”нинг 23 моддасига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Кўлбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқаро Абдуҳалимов Зафарга “Кўлбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини “Равонак” маҳалласи ҳудудидан мебел дўкони қуриш учун 210 м.кв қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ҳоқимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг хулосаси ҳамда туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Абдуҳалимов Зафарга мебел дўконини қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш юклатилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси “Солиқ кодекси”га асосан ер солиғини ундириш ва туман захира ер балансига ўзгартириш киритиш ҳамда ер майдонларига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқини давлат рўйхатига олиб, тегишли давлат ҳужжатларини бериш туман Давлат солиқ инспекцияси (О.Исмоилов) ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ш.Бурхонов) га топширилсин.
4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳоқимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳоқими

Б.Садуллаев



НОКИМИ

ҲОКИМИ

ҚАРОР - ҚАРОР

2010 yil "22" ноябр

№ 1420-К
Samarqand tumani

“Фуқаро Бердиев Шавкатга “Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Қавола-1” маҳалласи ҳудудида қурилиш материаллари савдо дўкони қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида”

“Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Қавола-1” маҳалласида яшовчи фуқаро Бердиев Шавкат туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, “Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Қавола-1” маҳалласи ҳудудида қурилиш материаллари савдо дўкони қуришга рухсат беришни сўраган.

Юқоридагиларни, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат экологик экспертизасининг 2010 йил 19 июлдаги 868 сонли хулосаси, туман ер танлаш ҳайъатининг далолатномаси ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2010 йил 30 июлдаги 104-сонли хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаъолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23- моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1.Фуқаро Бердиев Шавкатга «Оҳалик» қишлоқ фуқаролар йиғини «Қавола-1» маҳалласи ҳудудидан қурилиш материаллари савдо дўкони қуриш учун 90 м.кв. қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг хулосаси ҳамда туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин

2.Фуқаро Бердиев Шавкатга қурилиш материаллари савдо дўконини қуришдан олдин катъий равишда Ўзбекистон Республикаси «Шахарсозлик кодекси»нинг 8,39,54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблар топшириги (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш экспертизаси рўйхатидан ўтказиш юклатилсин.

3.Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Кодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев